



Ернинг пўстлоги етти каватдан иборат. Биринчи катлам – гидросфера, яъни сувли катламдир. Иккинчи катлам литосфера деб аталади ва Ернинг пўстлогини ташкил килади. У Ер сатхининг энг устки катламларини шакллантиради. Уларнинг калинлиги ўртача 80 км. ни ташкил килади. Литосфера бошқа катламларга караганда каттикрок бўлиб, харорати ҳам уларга нисбатан анча совуқроқдир. Шунинг учун ҳам у Ернинг пўстлоги вазифасини бажаради. Учинчи катлам – астеносфера деб юритилади. У Ернинг унчалик каттик бўлмаган, юмшаши ва эриб туриши мумкин бўлган иссик катламидир. Тўртинчи ва бешинчи катламлар – Ернинг устки ва остки мантияларидир. Мантиялар юкори хароратли ярим каттик тоғ жинсларидан ташкил топган. Уларнинг калинлиги тахминан 2900 км. ни ташкил килади.

Олтинчи ва еттинчи катламлар бир-бирига ўхшамайдиган икки кисмдан иборат. Олтинчи катлам калинлиги 2200 км. бўлган суюқ ташки ядро, еттинчи катлам эса каттик ички ядро ёки бошқача килиб айтганда субядро деб аталади.

Инсоният ер қобигининг ана шундай тузилганлигини йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида, фан-техника ривожланиб, Ер остининг тузилиши бўйича мураккаб илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятига эга бўлгангача билиб олди. Куръони Каримда эса Парвардигоримиз бу илмларни бизга еттинчи асрда нозил қилган эди.

«Аллох етти осмонни ва ердан ҳам ўшаларнинг мислини (яъни етти кават ерни) яратган Зотдир. (Аллохнинг) амри-фармони уларнинг (яъни етти кават осмон ва етти кават ернинг) ўртасига нозил бўлиб-тарқалиб турур. Токи сизлар Аллохнинг барча нарсага Қодир эканлигини ва Аллох барча нарсани (Ўз) билими билан ихота килиб олганини билишларингиз учун (У Зот сизларга юкорида зикр қилинган нарсалар хақида хабар берди)». Талок сураси, 12-оят.